

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Барчамиз яхши тушунамизки, Янги Ўзбекистон – аввало, инсон ҳаёти, унинг саломатлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қиммати қонун асосида ишончли ҳимоя қилинадиган давлат дегани. Шу боис, ўз сафларида саккиз миллионга яқин аъзони бирлаштирган касба уюшмаларининг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш, адолат ва тенглик тамойилларини таъминлаш борасидаги бир асрдан зиёд тажриба мактаби мамлакатимизда янги жамият, янги давлат барпо этишда биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Пойтахтимиздаги Ўзбекистон касба уюшмалари саройида 11 ноябрь – Ўзбекистон касба уюшмалари куни ҳамда мамлакатимизда касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди



2025 йил, 11 ноябрь. Соат миллари 16:00 ни кўрсатмоқда. Ўзбекистон касба уюшмалари саройида ўзгача байрам шуқуқи. Йўлакларга қизил гиламлар тўшалган. Карнай-сурнай садолари янграб, ҳаммани Ўзбекистон касба уюшмалари куни ҳамда касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик юбилейи муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирга чорламоқда.

Саройнинг фойе қисмида миллий ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси очилган. Тадбирга ташриф буюраётганлар орасида куни кеча «Ўзбекистон касба уюшмаларининг 120 йиллиги» эсдалик нишони билан тақдирланган фаоллар, фахрийлар ҳам бор. Уларнинг кўнгиллари хуш, қалблари чарогон.

Ҳар бирининг кўксини муносиб меҳнат эътирофи бўлмиш нишон безаб турибди. Анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, касба уюшмалари фахрийлари ҳамда фаоллари, шунингдек, бир қатор халқаро ташкилотлар, халқаро касба уюшмалари бирлашмалари, хорижий давлатлар касба уюшмалари тузилмалари, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти, Касба уюшмалари Умумқонфедерацияси, Араб касба уюшмалари Конфедерацияси, Жазоир ишчилари умумий касба уюшмаси, Тожикистон халқ демократик партияси ҳамда Туркия, Грузия, Латвия, Литва, Ливан, Россия, Беларусь, Озарбайжон, Қозоғис-

тон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон касба уюшмаларидан келган меҳмонлар жам бўлишди.

Мана, неча йилдирки, юртимизда 11 ноябрь – Касба уюшмалари куни сифатида кенг нишонланмоқда. Бу сана нафақат касба уюшмалари аъзолари ва фаоллари, балки халқимиз, турли касб эгалари учун ҳам қадри кунга айланиб бормоқда. Айниқса, бу сафаргисининг аҳамияти беқиёс бўлди. Чунки ушбу байрам Ўзбекистон касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги кенг нишонланган кезларда бўлиб ўтмоқда. Бу эса унинг файзи ва шуқуқини янада оширмоқда.

>>> 2-3

ТАҚДИМОТ



«МАДАНИЯТ ВА МА'РИФАТ»
ТЕЛЕКАНАЛИДА НАМОЙИШ ЭТИЛГАН УШБУ
ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА
УЮШМАЛАРИ ТАРИХИГА БАҒИШЛАНГАН



«ISHONCH-MEDIA» ИЖОДКОРЛАРИ
ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН УШБУ
ФИЛЬМНИ ҚУЙИДАГИ QR КОД ОРҚАЛИ
ТОМОША ҚИЛИНГ:

«Ishonch»нинг
YouTube даги
саҳифасида
кўринг!



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ

ИНСОН ҚАДР- ҚИММАТИ – БОШ ОМИЛ



Виталиус ВАРНАС,
Литва касаба
уюшмалари Конфедерацияси
Лифоса касаба уюшмалари раиси:

– Кейинги пайтларда Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятида бекиёс ўзгаришлар рўй бермоқда. Навбатдаги таширифимиз давомиди бунга яна бир бор амин бўлдик, ўтган йилгига нисбатан анча олдинга ташланган қадамлар бисёрлигини сездик. Бу сизларнинг энг катта ютуқларингиздан биридир.

Литвага ватандошларингиз, ҳамкасбларимиз бориб туришди. Ҳамкорлигимиз ва дўстлигимиз ҳавас қилишга арзигulik.

Мен ўзбек ишчи-хизматчиларини меҳнатсевар, фидойи, тарбияли инсонлар, деб

биламан. Менталитетимиз ҳам ўхшаш. Юртимиздаги ўзбеклар бизнинг касаба уюшмаларимизга аъзо бўлишлари мумкин. Биз уларнинг ҳам ҳақ-хуқуқларини тўлиқ ҳимоя қиламиз.

Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларни кузатиб борамиз. Энг асосийси, мамлакатингизда инсон ва унинг кадр-қиммати бош омил эканлиги жуда қувонарли.

Мен касаба уюшмалари бутун дунёга ёйилиб, янада равнақ топиши, ҳамкорлигимиз мустақкам бўлишини тилайман.

ҲАМКОРЛИҚДА ИШ ЮРИТАМИЗ

Ираклий ПЕТРИАШВИЛИ,
Грузия касаба уюшмалари
Конфедерацияси раиси:



– Бугун юртингизда бўлаётган ижобий ўзгаришлардан биз ҳам ҳайратдамиз. Ички ва ташқи сиёсатдаги саъй-ҳаракатлар натижа бераётганининг гувоҳи бўляпмиз. Умуман, мамлакатингиздаги ислохотларни яқиндан кузатиб бораётган бир инсон сифатида айтишим мумкинки, сизлар тез орада бундан-да

юсак чўққиларни забт этасизлар.

Давлатингиз раҳбарининг ҳар бир ташаббуси, айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Улар дунё миқёсида ҳам эътироф этилмоқда. Бас, шундай экан, биз сизлар билан ҳамisha ҳамкорликда иш олиб борамиз.

АЛОҚАЛАРИМИЗ ЯНАДА РИВОЖ ТОПАДИ



Димитриос ТАХМАТЗИДИС,
Греция умумий меҳнат
Конфедерацияси
Президенти ўринбосари:

– Ўзбекистонга биринчи келишим. Касаба уюшмаларингиз ҳақидаги дастлабки таасуротларим ўзгача. Меҳнаткашларнинг ҳақ-хуқуқлари тўла ҳимояда экани қувонарли. Ўйлайманки, бизнинг

бу галги учрашувимиз алоқаларимиз янада ривож топиши учун мустақкам замин бўлади.

Тилагим – ишчи-ҳодимлар доим соғ-саломат, юртингиз ривожини йўлидаги ишлар бардавом бўлсин!

ҲАМЖИҲАТЛИГИНГИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН!

Эгилс БАЛДЗЕНС,
Латвия эркин касаба уюшмалари
бирлашмаси Президенти:



– Биз касаба уюшмаларингиз фаолияти билан яхши танишмиз. Айниқса, бу йил барча тармоқлар кесимида ва Федерация раислигига бўлган сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтгани бу борадаги ишлар уюшқонлик ва холисона ёндашув асосида олиб борилаётганининг махсули деб биламиз.

Юртингизга бундан етти йил аввал келганимда бу қадар ўзгаришлар йўқ эди. Мана, бугун Президентингиз бошчилигида олиб борилган ислохотларнинг самараси яққол кўриниб турибди. Биргина пойтахтда эмас, барча худуд-

ларда ҳам турли соҳаларда ютуқларга эришилаётгани қувонарли ҳолдир.

Эътиборга сазовор яна бир жиҳати – сизларда тадбиркорлик юқори чўққиларга чиққан. Масалан, бизда иш берувчи кўпроқ ўз фойдаси учун ҳаракат қилса, сизларда ишчилар манфаати устун турар экан. Давлат раҳбари, оддий одамлар, ёшлар бирга эканлигингиз, ҳамжиҳатликда бажараётган ишларингиз ҳар қанча эътирофга лойиқ.

Барчангизни 120 йиллик шодиёна билан кутлайман. Ҳамжиҳатлигингизга кўз тегмасин, бирдамлигингиз сусаймасин!

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида мамлакатимизда касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига



ронаси янгради. Унинг оҳанглари барчани бугунги нурафшон кунларнинг қадри ҳақидаги туйғуларга ошно этди.

«Инсон кадри». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озода Нурсаидова ижросидаги қўшиқ мамлакатда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсати, хусусан, касаба уюшмаларининг асосий фаолияти бўлган инсон қадрини улуглашга ҳамоҳангдек эди.

XX асрнинг бошларида шаклланган мазкур ҳаракатда кўплаб жадидларимиз бевосита иштирок этган. Орада замонлар ўзгариб, касаба уюшмалари ўз ҳаётида турғунлик йилларини ҳам бошидан кечирди. Аммо бугун – Янги Ўзбекистон даврига келиб, у ўзи ilk эркин қадам олган муҳитга қайтди.

Шу йил ўтказилган муҳим жараён Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихида ilk бор, бу йил ўтказилган сайловларда барча даражадаги касаба уюшмалари органлари раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли билан сайлангани ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

«Янги Ўзбекистон» таронасида эса мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар ва бунёдкорлик кўлами акс этди.

“Шу ҳаётбахш эврилишлар мамлакатдаги энг йирик ва халқчил ташкилот бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятида ҳам яққол акс этмоқда.

Сўзимизни рақамлар мисолида таҳлил этадиган бўлсак, сўнгги 5 йилда қарийб 500 минг нафар фуқаро-

тақдирланган бир гуруҳ фаолларга Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева давлат мукофотларини топширди. Ушбу мукофот ва эътирофлар соҳада самарали фаолият юритиб келаётган масъулларни янада фаолликка чорлаши, Ватан равнақи, халқ манфаатлари йўлида астойдил хизмат қилишга ундаши аниқ.

Маросимда Ўзбек миллий академик драма театри актёрлари томонидан касаба уюшмалари ҳаракатининг юзага келиши тарихини акс эттирувчи сахна кўриниши ҳам намойиш этилди.

Тарихдан маълумки, Туркистонда касаба уюшмалари пайдо бўлишидан олдин ишчи-хизматчилар турли тўғарак, йиғин ва уюшмаларга бирлаша бошлаган. Таҳлиллар 1905-1907 йилларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, ҳақиқатан ҳам, касаба уюшмалари фаолият юритганидан далолат беради.

120 йилликнинг ҳар бир босқичини ўзида қамраб олган эпизодлар йиғилганларни қаттиқ таъсирлантди. Айниқса, сахна кўринишининг жадидларга бағишланган қисми барчага бирдек манзур бўлди.

Жадид маърифатпарвари Абдулҳамид Чўлпон қаламига мансуб «Гўзал Туркистон» қўшиғи янграганда эса кўзлар маъжусланиб, ёшга тўлди, машъум кунлар хотирада жонланди. Шунинг баробарида кўнгиллардан бугунги дориламон кунларга шукроналик ҳисси ўтди.

Аслида ушбу қўшиқнинг байрам сахнасида ижро этилиши бугун оддий концерт дастури эмас, балки тарихий воқелик сахнага чиққанини аналтмоқда. Чунки касаба уюшмалари ҳаракатининг шаклланиши ортида ҳам жадидларнинг инсон шаъни ҳамда меҳнатини қадрлаш ва улуглаш гоёлари бор эди. Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Султонхўжа Қосимхўжаев, Муҳаммад Саид Ахрорий, Тавалло, Ҳамза Ҳакимзода Нийзий,

Маҳмудхўжа Бехбудийлар «Ҳақ берилмас, ҳақ олинур!» дея Ватан озодлиги, Миллат истиқболи йўлида жон олиб, жон беришди.

Умуман, жадидлар давридаги касабачилик ҳаракати катта тарих. Бу тарих, унинг ажралмас қисми бўлган касабачилик билан боғлиқ жиҳатлар ўзликни излаш, ўзбекнинг маънавий қиёфаси қанчалар буюклигини англаш учун ҳам муҳимдир. Айнан шунинг учун ҳам жадидлар тарихи ҳақида гапириш, уни ўрганиш зарур.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида касаба уюшмалари жанглр бўлаётган юртлардан норасида ўғил-қизларнинг ўлкамизга олиб келиниши, бошпана



билан таъминланиши ва оилаларга берилишига катта ҳисса қўшган. 1966 йилги зилзилада ҳам касаба уюшмалари уй-жойсиз қолган аҳолини бошпана билан таъминлаш ва жабрланганларни санаторийларга жойлаштиришда фидойилик кўрсатган.

Байрам тантанасида ана шу тарихий воқеликлар акс этган кадрлар ҳам намойиш этилди.

Дастур давомиди «Ватан ази» та-

**Ўзбекистон касаба уюшмалари
саройида 11 ноябрь –
Ўзбекистон касаба уюшмалари
куни ҳамда мамлакатимизда
касаба уюшмалари
ҳаракатининг
120 йиллигига бағишланган
байрам лавҳалари**



ishonch.uz

**телеграм каналида ҳам
кенг ёритилди.**

**Қуйдаги QR код орқали
батафсил танишинг:**





Ким агар дўстлар ила якдил бўлур,
Барча мақсуди анинг ҳосил бўлур.
Фаридиддин Аттор

11 ноябрь – Ўзбекистон
касаба уюшмалари куни

3

КАСАБА УЮШМАЛАРИ

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни ҳамда бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди



фронти фахрийлари санаторийларда соғломлаштирилди, 800 минг нафардан зиёд болалар учун ёзги таътил чоғида мароқли дам олиш имкониятлари яратилди. Шунингдек, касаба уюшмаларининг хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилот ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланиб, ўнга яқин халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо бўлди.

Федерациянинг таширф қоғозига айланган яна бир йўналиш – «Аёллар дафтери» орқали 4,5 миллион нафар кам таъминланган хотин-қизга манзилли ёрдам кўрсатилди. 969 та операция усулидаги лойиҳа туфайли мамлакатимизнинг 14 та ҳудудидаги 124 мингдан зиёд аҳоли, жумладан, 90 мингдан ортиқ аёллар бандлиги таъминланиши устидан жамоатчилик назорати олиб борилди. 1211 рақамли «Ишонч телефони»га опа-сингилларимиздан келиб тушган 200 мингдан зиёд мурожаатнинг 99,6 фоизиди қўтарилган масалалар ҳал этилди. Бу рақамлар мамлакатда меҳнаткашлар соғлиғига, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига эътибор нечоғлиқ ошганидан далолат беради.

Нафсиламрини айтганда, соҳада эришилган натижалар Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихида янги саҳифани очиб берди.

Тадбир давомидида болажонларнинг саҳнада пайдо бўлиши ҳаммага кўтаринки кайфият бағишлади. Улар ўз чиқишларида касаба уюшмаси қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, ҳар бир ходимни ҳимоя қилувчи ташкилот деган гоъни илгари сурдилар. Келажак авлодлар тилидан касаба уюшмасига самимий табрик ва тилаклар билдирилди.

Болаларнинг бу самимиятларида касаба уюшмаларининг ёш авлодга қаратаётган эътибори мужассамдек.

Зотан, кейинги йилларда соҳа фаолиятида ушбу йўналиш янада муҳим устуворлик касб этди.

Хусусан, Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, 2022 йилда Федерация тизимида Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти иш бошлади. Тизимдаги мавжуд 18 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи сони 107 тага етказилди. Бу каби амалга оширилган ишлар бисёр.

Саҳнада дўстликни тараннум этувчи кўшиқлар айтилди. Қирғиз санъаткори Аккиз Абасбекова ҳамда Тожикистон ва Ўзбекистон халқ артисти Жўрабек Муродовлар ижросидаги қардошлар кўшиқлари иштирокчилар қалбиди бирдамлик туйғуларини жўштирди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи ҳам ошиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг очиклик, дўстлик ва ишончли ҳамкорлик сиёсатлари натижасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан 2021 йилда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари кенгаши, 2023 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркия миллий касаба уюшма марказлари иштирокида Туркий давлатлар касаба уюшмаси ташкилоти таъсис этилди.

2024 йил декабрь ойида касаба уюшма фаолларининг яна бир узоқ йиллик орузси амалга ошди. Федерациямиз 169 та давлатнинг 333 та касаба уюшмаларини бирлаштирган, 250 миллиондан зиёд аъзога эга Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясининг ҳақиқий аъзолигига қабул қилинди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз касаба уюшмалари тарихидаги муҳим ва унутилмас воқеликлар бўлиб тарих зарваракларига битилди.

«Бугун байрам». Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировнинг ушбу таронаси диллардаги шуқуҳни янада оширди. Саккиз миллионлик касаба

уюшмалари аъзоларининг қалбидидаги ҳислар гўё шу кўшиқда жам бўлгандек бўлди.

«Зор айлама, Ватан!». Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков шундай куйлади. Иштирокчилар қалбиди Ватанга муҳаббат ҳисси янада жўшди.

Ҳа, Ўзбекистон касаба уюшмалари куни ҳамда 120 йиллик юбилейга бағишлаб ўтказилган тадбир ана шундай шуқуҳли ва ҳаяжонли ўтди. Лекин байрам меҳнат жамоалари, касаба уюшмаларининг ҳудудий, тармоқ ҳамда бошланғич ташкилотларида давом этади. Зеро, шунга арзигулик меҳнат қилинди, шунга арзигулик натижалар қўлга киритилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида янги тарих ёзилмоқда. Бу тарихда инсон қадрли устувор, бирдамлик руҳи мужассам. Бугунги тантаналарда иштирокчилар уни яна бир бор ҳис этишди.

Ҳуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»



Қувончбек Тўраев ва Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар

Сўз – касаба уюшмалари
фаоллари ва фахрийларига!

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИДА ЯНГИ ТАРИХ ЁЗИЛЯПТИ



Муяссар РАҲИМОВА,
касаба уюшмалари фаоли:

– Бу ташкилот менинг бутун меҳнат фаолиятим билан чамбарчас боғлиқ. Зотан, узоқ йиллар касаба уюшмаси тизимида ишладим. Шу даврларда меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий шароитларини яхшилаш бўйича кўп ишларни амалга оширдик. Эндиликда эса, тизим фаолияти жуда юқори босқичга кўтарилди. Бугун ишчи-ҳодимларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан

ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳар қачонгидан кўра, долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатига 120 йил тўлганини мана шундай катта даражада нишонланиши – биз, касаба уюшмалари фаоллари учун ҳақиқий бахт ва шараф. Буни жамиятда меҳнаткаш инсонга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг ифодаси деб биламиз.



Тўлқин ҚОЗОҚБОВ,
касаба уюшмалари
фахрийси:

– Бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатига 120 йил тўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ташкилотга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар, шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда. Бунга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

меҳр-оқибатли, бир-бирдан хабар олишни, ғамхўрлик қилишни ҳаёт тарзи деб билади. Шу руҳ давлат сиёсатида ҳам ўз аксини топган.

Юбилей муносабати билан барча касаба уюшма аъзоларини чин юракдан табриклайман. Сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ишларида муваффақият тилайман.



Марям ШОДИЕВА,
касаба уюшмалари
фахрийси:

– Қирқ икки йил давлат ташкилотларида фаолият юритган бўлсам, шундан ўн йили бевосита касаба уюшмаларида кечди. Шу даврларда имкон қадар ҳар бир мурожаатчини тинглар, муаммосини ҳал қилишга ҳаракат қиларди. Иши битгач, хурсандчилигини кўриб, улардан кам се-

винмасдик. Ҳозир соҳа ходимларининг имкониятлари анча кенгайган. Уларга жуда ҳавасим келади.

Таъбир жоиз бўлса, бугун соҳада меҳнат қилаётган ҳар бир фаол, энг юқори раҳбариятдан тортиб, қуйи ходимлик, иши битгач, хурсандчилигини кўриб, улардан кам се-

«БИЗНИ ЮКСАК МАРРАЛАРГА УНДАГАН РАВБАТ»

Президентимизнинг фармонида асосан, Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ соҳа ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Қуйида улардан баъзиларининг дил сўзлари билан танишасиз.

Фарҳоджон ХАНАПИЯЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси,
«II даражали «Саломатлик» ордени соҳиб:



ЮРАГИМИЗДА
ЧЕКСИЗ
ИФТИХОР

– Бу мукофот менга қўшалоқ айём – Касаба уюшмалари куни ва Тиббиёт ходимлари кунида энг катта совға бўлди.

Касаба уюшмалари фаолиятига давлат даражасида эътибор берилаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган халқпарвар сиёсат натижаси бўлса, бир гуруҳ соҳа

фидойилари давлат мукофотлари билан тақдирлангани уларнинг ўтган йиллар давомидида қилган меҳнатлари эътирофидир.

Шу ўринда жамики юртдошларимизни, аъзоларни касаба уюшмаларининг 120 йиллиги билан чин юракдан табриклайман!

Зерхан САИТБЕКОВА,
Мўйноқ туманидаги «Оқ кема» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари,
«Соғлом турмуш» медали соҳибаси:



ЮКСАК БАҲОЛАГАНЛАРИ

– Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги ҳамда 11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни тадбирларида иштирок этиб, қалбим фахруифтихорга тўлди.

Камтарона меҳнатимни юксак баҳолаганлари учун Президентимизга чексиз миннатдорчилик изҳор этаман. Бу олий мукофотни мен нафақат ўзимга, балки мен каби ёш авлодга жавобгар

СЎЗ БИЛАН ИФОДА ЭТОЛМАЙМАН

бўлган тарбиячиларга берилган эътироф деб биламан.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йилда Мўйноқ туманига қилган таширифи биз, мўйноқликлар учун янги тарихни бошлаб берди, десам адашмайман. Президентимизнинг «Маданият Мўйноқдан бошланади» деган сўзлари ифодаси сифатида 2020 йилда «Оқ кема» дам олиш ва соғломлаштириш маркази қурилиб, фой-

даланишга топширилди. Бугунги кунга қадар ушбу марказда 10 мингдан зиёд болалар мазмунли дам олди. Фақат мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан эмас, балки қўшни Қозоғистон Республикасидан ҳам болалар келиб, дам олиш имкониятига эга бўлмоқда.

Шу йилнинг 17 октябры куни Бўзатов туманида замонавий, тўлиқ жиҳозланган «Бўзатов» санаторийсининг

очилиши – халқимиз учун улкан байрам бўлди. Биз, қорақалпоқ халқи, бу қувонч ва шукр ҳиссини сўз билан ифода этишга ожизмиз.

Барча яратилаётган бекиёс имкониятлар, халқ манфаати йўлида амалга оширилаётган ишларнинг барчаси учун ҳурматли Президентимизга чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

«БИЗНИ ЮКСАК МАРРАЛАРГА УНДАГАН РАВБАТ»

Президентимизнинг фармонида асосан, Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ соҳа ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Қуйида улардан баъзиларининг дил сўзлари билан танишасиз.

<<<3

ҚАЛБИМИЗДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши раиси:



– Бугун мен учун унутилмас кун, қолаверса, қўшалоқ байрам. Бойси, меҳнатларим Юртбошимиз томонидан «Фидокорона хизматлари учун» орденига лойиқ қўрилди. Шу ўринда

бу биргина менинг эмас, балки тизимдаги барча фидойи инсонлар хизматлари кадр-қиммати уларнинг юрт тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатларига берилган юқори баҳо, деб биламан.

Бунинг келгусида янада самарали ишлашга, янги ташаббусларни амалга ошириш ва аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш йўлида янада катта масъулият билан қадам ташлашга чорлов, деб қабул қилдим. Фурсатдан фойдаланиб, фаолиятим давомида менга ишонган ва қўллаб-қувватлаган барча ҳамкасбларим, устозларим ва оила-аъзоларимга чуқур миннатдорчилик билдираман. Зеро, бу мукофот – уларнинг меҳри ва ишончи ифодаси ҳамдир.

БУ БИЗ УЧУН ҲАМ БУРЧ, ҲАМ ШАРАФ



Равшан БЕДИЛОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси, «II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби:

– Соҳадаги хизматларимизни қадрлаб, эҳтиром қўрсатаётганларга чин дилдан раҳмат айтаман.

Таъкидлаш жоизки,

сўнгги саккиз-тўққиз йилда касаба уюшмалари ҳақиқий халқ ташкилотига айланди. Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қи-

лиш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий шароитларини яхшилаш бўйича талай ишлар амалга оширилди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг соҳага қаратган алоҳида эътибори янги даврни бошлаб берди.

Мен юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги ва меҳнаткашлар манфаати йўлида фидокорона хизмат қилишни ўзим учун ҳам бурч, ҳам шараф деб биламан.

ҒОЯТДА БАХТИЁРМАН!



Қутлимурот СОБИРОВ,
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси:

– Ўзбекистон касаба уюшмалари байрами арафасида «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланганим менга ғоятда сурур бағишлади.

Атрофимиздагилар, аъзоларимиз кайфиятидан кузатаманки, бугун барчанинг дилида шукроналик. Улар «Кун сайин юксалиб, жадал суръатлар билан тараққий этиб бораётган жаннатмонанд юртимизга асло кўз тегмасин, Янги Ўзбекистонимизнинг тараққиёти бардавом, дунё сахнидаги нуфузи янада сарбаланд бўлсин!», деган тилак билан яшайптилар.

Камтарона меҳнатларимиз эътироф этилиши бизни янги ютуқларга, марраларга ундайди, албатта. Бу йўлда, яъни халқимиз бахт-саодати, аъзолар манфаатлари йўлида бор билим ва иқтидоримизни ишга солиб, ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.



Равшан САМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари:

– Бугун соҳа ходимлари учун қувончли кун – Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракати пайдо бўлганига 120 йил тўлди. Шу муносабат билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг касаба уюшмалари фаоллари ва аъзоларига йўлаган байрам табригини

тинглар эканман, кўнглим фахрга тўлди. Қолаверса, шундай қувончли онларда «Шухрат» медали билан тақдирландим. Бу меҳнатимга берилган юксак баҳо бўлиши билан бирга, зиммамга катта масъулият ҳам юклайди.

Касаба уюшмалари тизимининг

асосий вазифаси – меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнатини қадрлаш, ижтимоий адолатни таъминлашдир. Бу йўлда биз янада фаол иш олиб боришга ваъда берамиз.

КўНГЛИМ ФАХРГА ТўЛДИ

«Касаба ишончи» танлови ғолиблари тақдирланди



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти ҳамда Ishonch.uz сайти ҳамкорлигида Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан «Касаба ишончи» республика танлови эълон қилинган эди. Мазкур танлов шартлари Ishonch.uz сайтида эълон қилинган, еттигача йўналиш бўйича талабгорлар ўзаро беллашди.

Босқичма-босқич ўтказилган танловда ғолиблар энг кўп овоз тўплаш ва иш фаолиятининг қўрсаткичлари бўйича аниқланди.

Танлов Ўзбекистон касаба уюшмалари кун арафасида яқинлашди ва ғолиблар тантанали маросимда тақдирланишди. Турли йўналишларда ўтказилган танловда қўйидагилар ғолиб деб топилди:

«ЭНГ НАМУНАЛИ ХУДУДИЙ КЕНГАШ»

I ўрин – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши

II ўрин – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши

III ўрин – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши

«ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ»

I ўрин – «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

II ўрин – Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

III ўрин – Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

«ЭНГ НАМУНАЛИ САНАТОРИЙ»

I ўрин – Тошкент шаҳридаги «Чинобод-плаза» санаторийси

II ўрин – Наманган вилоятидаги «Чортоқ» санаторийси

III ўрин – Самарқанд вилояти-

даги «Ибн Сино» санаторийси

«КАСАБА УЮШМАСИ ҚўМИТАСИНING ЭНГ ЯХШИ АЪЛ РАИСАСИ»

I ўрин – Нилуфар Комилова, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши раисаси

II ўрин – Шаҳноза Кимёназарова, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раисаси

III ўрин – Нафиса Мирзаумарова, «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ Марказий идораси касаба уюшмаси қўмитаси раисаси

«ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНГИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ҚўМИТАСИ»

I ўрин – «Ўзбекгеофизика» АЖ

касаба уюшмаси қўмитаси

II ўрин – Қуюв-механика заводи касаба уюшмаси қўмитаси

III ўрин – Сирдарё тумани

7-мактаб касаба уюшмаси қўмитаси

«ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТУМАН (ШАҲАР) КЕНГАШИ»

I ўрин – Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ҳазорасп тумани кенгаши (Раиси Азамат Йўлдошев)

II ўрин – Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши (Раиси Бахтиёр Намозов)

III ўрин – Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё тумани кенгаши (Раиси Муроджон Хайитқулов)

«КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ЭНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ»

I ўрин – Тошкент вилояти ҳокимлиги

II ўрин – «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти

III ўрин – «BMW Holding» («Zafaron») компанияси

Барча совриндорларга махсус диплом ва қимматбаҳо эсдалик совгалари топширилди. Тадбирда таъкидланганидек, мазкур танлов анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилиши кутилмоқда.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Сўз – танлов ғолибига!

ISHONCH.UZ КАСАБА УЮШМАЛАРИ АЪЗОЛАРИ ВА ХОДИМЛАРИ УЧУН ХОЛИС АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИГА АЙЛАНМОҚДА

Жасурбек ЗИЯДУЛЛАЕВ,

«Касаба ишончи»
танловининг
«Энг намунали
бошланғич касаба
уюшмаси қўмитаси»
номинацияси ғолиби,
«Ўзбекгеофизика» АЖ
касаба уюшмаси
қўмитаси раиси:



– Танловда биринчи ўринни қўлга киритдик. Ishonch.uz сайтининг расмий каналида овозга қўйиш натижаларига асосан биринчи босқичдан ўтдик ва иккинчи босқичда корхонада қилинган ишлар ҳақида тақдимот ва мақолалар юбордик. Бунда ҳам яхши натижаларга эришдик.

Ishonch.uz телеграм канали жамоасига омад тилаймиз. Бу платформа касаба уюшмалари ходимлари ва аъзолари учун холис ахборот майдонига айланмоқда.

Келгусида ушбу телеграм каналда янада долзарб мавзулар қўтарилишига тилақдошман.

Қуйидаги QR код орқали танлов ғолибининг фикрлари билан танишинг:




**Мароқли
дам
олинг,
азиз газетхон!**



**«ИНСОН
ҚАДРИ»
қўшиғи**

Бугуннинг қадрини билмоқлик учун,
Эсласак яхшидир ўтган кунларни.
Одамлар рост сўзни айтишдан қўрқиб,
Пана-паналарда юрган йилларни.



Озода Нурсайдова ижросида

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-95-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 705-08-93

Navbatchi muharrirlar:

Salim ABDURAHMONOV,
G'ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchilar:

Hasan ABDULLAJILOV,
Mehridin SHUKUROV

Bosishga topshirish vaqti – 04:00
Topshirildi – 04:20

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta
«Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Manzilibiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning

poligrafik jihatdan
sifatli chop etilishiga
boshmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmiylashtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 073 ta

Shundan: 6 076 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik

kompaniyasi boshmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 116 nusxasi

«Erudit» MCHJ boshmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 881 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ boshmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,

236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-1111

1 2 3 4 5 6